

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

аграр ва сув ҳўжалиги, ижтимоий-маданий ривожланиш, саннат, қўрилик, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари фондларни шакллантириш, коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича фаолият кўрсатмоқдалар.

Анджон вилоятининг Улутур тумани, Жиззах вилоятининг Бахмал тумани, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон ва Чўст туманлари, Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳри ва Кува тумани, Хоразм вилоятининг Хазорасп ва Хонқа туманлари Кенгашида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини назорат қилишга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Масалан, Наманган вилояти халқ депутатлари Тўрақўрғон тумани Кенгашининг шу йил 29 июнда бўлиб ўтган сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1997 йил 18 ноябрдаги «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш тўғрисида»ги қарорининг туман таълим тизимида бажарилиши ҳақидаги, халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашининг сессиясида эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонининг шаҳар ҳудудида бажарилиши ҳақидаги масалалар атрофида муҳофаза қилинди. Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли қўра-тадбирлар белгиланган.

Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайланган депутатлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни турли йўналишлари бўйича туртилган доимий комиссиялар таркибига фаолият кўрсатиб, ўз ишларини давр талабларига мос равишда ташкил этмоқдалар.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллий Кенгаш доимий комиссияларининг мажлисларида жами 3702 та масала, жумладан, вилоятлар миқёсида 265 та, туманлар миқёсида 2880та, шаҳарлар миқёсида 537 та масала кўриб чиқилган.

Доимий комиссиялар иш режаларини шу йил 16 майда Олий Мажлис томонидан ташкил этилган «Ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришда ҳокимият вакиллик органларининг ролини ошириш тўғрисида»ги республика семинари-кенгаши тасвирлари асосида бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонуналари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросига жиддий эътибор қаратаётганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Жумладан, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши Экология масалалари доимий комиссияси вилоят ўрмон ҳўжалиги бошқармаси тизимида ҳамда кўриқхоналарда «Усимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига риоя этилиши масаласини ўрганиб чиқиб, ўз мажлисида муҳофаза қилган. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тасвирлар берган.

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш доимий комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1999 йил 13 майда қабул қилган «1999-2001 йилларда Хоразм вилоятида бозор иқтисотларини қўрғунлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятда тадбиркорларни кредит билан таъминлашнинг аҳоли кўриб чиқилди. Мажлисида ўрганиш ва таъминлаш ҳокимиятининг ўринбосарлари, тегишли идоралар, ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, вилоятда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш юзасидан тасвирлар берилган. Бу ўз вақтида, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятда 2 миңдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилиб, қўшимча 500 млн. сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди.

Халқ депутатлари Чирчик шаҳар Кенгаши Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг шу йил 27 майдаги мажлиси таълим масаласига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январда қабул қилган «Узлуксиз таълим тизимини дарслиқлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорининг шаҳар халқ таълими тизимида қай даражада бажарилаётгани атрофида муҳофаза қилинди. Шаҳар ҳокимияти ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари ҳамда шаҳар халқ таълими бўлими мудирининг ҳисоботлари эшитилиб, янги ўқув йили учун зарур дарслиқлар ва ўқув адабиётлари билан ўз вақтида таъминлаш юзасидан тасвирлар берилиб, уларнинг ижроси назоратда олинган.

Шундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мамлакатимиз маҳаллий Кенгашларининг фаолиятига доир маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бўлиб ўтган сессияларнинг аксариятида асосан ташкилий масалалар кўриб чиқилган. Фаолиятнинг энг муҳим йўналишларидан бири – минтақавий аҳамиятга эга бўлган амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан назорат ўрнатилиш масалаларига эса етарлича эътибор қаратилмаган. Сессияларда қўрилган масалалар ҳам, туртилган доимий комиссияларнинг номлаштириш ҳам кўп ҳолларда айнан бир-бирини такрорлайди. Бунда минтақадagi мавжуд му-

амоллар ва ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинмаган. Масалан, Қашқадарё вилоятида ҳисобот даври мобайнида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг бор-йўғи 17 та (биттадан) сессияси ўтказилган бўлиб, қўра-тадбирга бир хил масала, яъни вилоят (туман, шаҳар) ҳокимияти, унинг ўринбосарларини тасдиқлаш; вилоят (туман, шаҳар) Кенгашининг доимий комиссияларини тўзиш; асосий макроректисодий кўрсаткичлари истиқболлари ва 2000 йил вилоят (туман, шаҳар) маҳаллий бюджетининг бандлари тўғрисидаги масалалар кўрилган. Худудий иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш билан боғлиқ масала эса ҳеч бир маҳаллий Кенгаш сессиясида қўрилмаган. Мамлакатимиз Президент халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида таъкидлаганларидек, минтақадa барча тармок йўналишларида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Президентимизнинг ушбу сессияда билдирган чуқур танқидий-таҳлилий фикр-муҳоказалари республикамиздаги барча маҳаллий Кенгашларнинг фаолиятини замон талабларига мос равишда жонлантириш учун муҳим дастур бўлади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари жамиятини ривожлантиришнинг маъруза босқичида хал этилаётган вазибаларни ҳисобга олган ҳолда келгуси фаолиятлари даврида турли иш усулларида фойдаланишлари зарур. Бунга вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссияларининг қўшама мажлисларининг ўтказиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларига масалалар тайёрлашга доимий комиссияларни жалб этиш, жамият ҳаётининг барча баҳоларида ислохотларни чуқурлаштиришда депутатлар корпоративининг салоҳиятидан кенроқ фойдаланиш каби иш усуллари кирди.

Ҳокимият вакиллик органлари олдига турган долзарб вазибаларни муваффақиятли хал қилиш мақсадида бир худуддан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан Олий Мажлис депутатларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарур. Уларнинг халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида иштирок этиши ҳамда сайловчилар билан уршувлар ўтказиши йўлга қўйиш катта самара беради. Олий Мажлис қўмиталарининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг тегишли доимий комиссиялари билан ҳамкорлик қилиш, хусусан назорат-таҳлил ва шу каби бошқа масалаларни биргаликда ўрганишлари муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги даврда ўтказилаётган ислохотларнинг қўшама барча бунёдига Кенгаш депутатлари кўч-ғайратини беришлари шунинг талаб этмоқда. Бу мамлакатимизнинг ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги сай-харақатларига янада самара беради.

Сапия БОБОЕВА,
Узун туманидаги
Ҳамидарча
қашлоғи фўқароси, кўп
болали она.

Огоҳликка даъват

Эмизикли болам билан бугун мен кишлоғимдан бегонаман. Анави кирилиб кетгун босқинчилар тинч-товуш турмушимизни бузди.

ҚАДАИ-БАСТИНГ ЮКСАЛСИН, ЮРТИМ

Мен Ҳамидарча деган узок бир кишлоқданман. Шу ёшга кириб бир марта ҳам тоғдан Узунга (туман марказига) келмаган эканман. Бир обод, бир чиройли бўлибди бу жойлар. Лекин ўз кишлоғи, кўллари қабариб қўрган ўз уйи, ўз қўрпа-тушагини азиз жой бормикан одамга?

Бизни бу ёққа кўчиришданга чақалогим Райхонжоннинг бешиги кишлоққа қўлиб кетганди. Бешигини кўмсаб ухламади. Бунчи кўриб, бир ийтомлёт аскар болам вертолёт билан берганда бешигини келтириб берди. Умирдан барака топсин, таң-жони омон бўлсин!

Биз ҳозир Узундаги болалар оромгоҳидан кўним топганимиз. Маъбуҳон исми бир аёл хоним бобонинг муовинлари экан, кеча-кундуз атрофимизда гиргиттон. Чақалогим йўталса, дўхтирлар чопиб келишди. Ҳол-аҳволимизни сўраб келаётганларнинг кети узилмади. Мен бир ерда одамгарчиликни кўрдим. Оқибатини, аҳилликни, яқдилликни кўрдим. Мен бир ерда қадди-баста билан Ўзбекистонни кўрдим. Ана шундай юртимиз бўсағасига шум ниёт билан бостириб кирганларни вос-вос бўлган, иймонини шайтонга топшириб қўйган ғаламислар деб биламан. Кўриб турибмиз, худуд урди уларни. Яратганинг қарҳиға йўлиқди улар.

Президентимизнинг шахсан ўзлари Сариевга келиб, аскарларнинг, бутун халқнинг кўнглини кўтарганларидан бошимиз осмонга етди.

Рўй берган воқеалар оқимида мен қайта туғилган бўлдим. Узимни, юртимни қайтадан танидим. Биз юртимизнинг қори-қолига жавобгар эканимизни тушундим.

Сапия БОБОЕВА,
Узун туманидаги
Ҳамидарча
қашлоғи фўқароси, кўп
болали она.

АДИ-БАДИ АЙТИБ ЎТИРИШ ФУРСАТИ ЭМАС

Уч хафтадирки, мен Сариевга — Ҳисор тоғларининг Девлоқ тепалиқларидаман. Бунга машъум ниётлар билан турмушимизга қадам қўйган терроичиларнинг ғаламислиги сабаб бўлди.

Бу ерларда ҳар бир қадамнинг, хатти-ҳаракатининг, кўрган-кечирганининг, ҳатто кўнглингдан кечкётган ҳар бир уй-ҳаёлинг бир синов, ғўл оловод тобланади, дейдилар. Зуваласи пишиқни олов тоблайди. У ўтга қўймайдиган, сувга чўкмайдиган, шамолларга эғилмайди ҳам бўлади. Пишадди.

Душманнинг биттаси ҳам душман. Еб билан олишмоқ ҳеч қачон осон кечмаган. Навжувон йигитлар, хали ўн гулдан бир гули очилмаган қуролдош дўстларим кўз ўнгимда жон бердилар.

Газандалар билан ади-бади айтишиб ўтирмак ортиқча. Улар — захарли илон. Улар — ба-

хил чайн. Шу жонахон Ўзбекистон ҳаққи, шу юртининг ҳар сиқим туғроғи ҳаққи, қўрбон бўлган дўстларимнинг ғаламислиги ҳаққи, унинг ҳаққи, уларнинг бошини маъжакламоқ жоиз.

Дам олиш оилари радио эшитамиз. «Халқ сўзи» газетасини ҳам мунтазам ўқиб бораемиз. Душман тўдаларининг шашти синиб, поғуғи пасайиб қолди. Турпоғимиз тез орада қайта тўзаланган. Эл-юртининг, қароёғи, жами аҳли фўқаронинг икки кўзи, фикри-ёғи бизда. Халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаймиз, шу азиз туғроқни кўз қорачиғидан асраб-авайлаймиз.

Қамолиддин ТҲҲҲҲҲ,
Қаптон,
Сариев тумани.

БИРГИНА ТАСКИН, ЮПАЧ БОР

Бугун менинг дардим еру кўкка сиғмайди

Ахир мен жондай азиз боламдан, суянган тоғимдан бир зумда айрилди қоламан, деб ўйламагандим. Унта бўлса, ўрни бошқа. Абдуҳалимнинг ўзини ҳеч қайси босомлаятти. Боланингнинг «Икки ойдан сўнг келаман, онажон, қўлимчилик деган сўзлари менга айтан сўзларни видоси эканлигини ҳаёлимга ҳам келтирмагандим. Боланингнинг келтирилган борса-келмас йўли бўлди. Сурхондарё тоғларидagi воқеалар туғайли ўғлимнинг гулдай умри ҳазон бўлди. Тўрт боласи ортдан бўзлаб қолди.

Яқшим, Юрбошимиз бор! Яқшим, яқши инсонлар кўп! Улар кўнглимизни кўтаришиб, қўлдан келганча ёрдамлашадилар. Шу пайтга қадар республи-

лика, вилоят солиқ ва божона бошқармалари, Шаҳрисабз «Кафолат» сурғута бўлими, Китоб туман ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар яқиндан ёрдам кўрсатишди. Оғир кунимда бирга бўлиб, яқши сўз айтиб, ёрдамлашаётганларни Худонинг ўзи ёрқасини. Айниқса, Роззоқ Шаймонов номли хўжалик раиси Баҳодир Хусановга катта раҳмат. У мўражагини бошидан охиригача қатнашди. Яна ўғлимнинг 4 боласига воғга етгунга қадар хўжалик томонидан нафақа тайинланди. Умуман, уларни ўқитиш, тарбиялашни хўжалик бўйича олибди. Бунинг учун ур буйи миннатдорман.

Тушунаман, Ватан азиз. Ватан учун жон берган ҳам азиз.

Мен фақат шундан таскин, шундан юпач топаман. Ўғлим бекорга ўлмади-ку, деб ўзимга ўзим тасалли бераман. Мен ҳозир, юрагим ёниб турган бир дамда, Юрбошимизнинг жанговар сафдаги йигитларга қарата «Сизларнинг азиз жонларингиз менга керак, Ватанимизга керак» деган сўзлардан таъсирланаман. Муқтақил ҳаётимизга, осийишта кўнларимизга қора ниёт билан қўз тиккан газандалар битта қўлмай тутатилиши аниқ. Фақат йигитларимиздан илтимос: буювга сержак бўлинглр, бошқа қурбон берманглр, ақл-заковат билан иш қўринглр. Она сифатида айтманок, бошқа оналарнинг бошига бундай кун тушмасин. Оналар ҳеч қачон болам, деб бўзламасин.

Муқаддас ҚОБИЛОВА,
маркух миллия кичик
сержант Абдуҳалим
Тошқуллов онаси.
Китоб тумани.

Ўғлонларимиз жасорати — Ёшларга ўрнак

«Халқ қаҳрамонлиғи унутмайди, хийнатни кечирмайди» деб номланган саҳифангизда БЕШ НАФАР УКАЛАРИМ сурати кўриб, ҳаяжондан титраб кетдим.

Ватанимизнинг шундай ҳимоятчилари борлиғига ишонардим! Қасбим ўқитувчи Самжонд вилоятидаги 64-аълоқда тарбияга муҳтож болалар махсус мактаб-интернатда ишлайман. Биз воғга етмаган ўғил болаларни ўз тарбиямизга олганмиз.

Беш ўғлоннинг жасорати мактаб-интернат болалари юрагига чекиз меҳр уйғотди. Ишонтирди айтаманки, келгусида тарбияланувчиларимиз орасидан Ватанимизнинг ақойиб ҳимоятчилари этилиб чиқадилар.

Гулнора ОБЛОҚУЛОВА, муаллима.

ЁВГА ОМОНЛИК БЕРМАЙМИЗ

Ҳар қуни даладан қайтишимиз биланок «ойнаи жаҳон» қаршига ўтириб, Сурхондарёдаги воқеалар билан қизиқаман. Газеталардан ана шу мавзудаги маълумотларни топиб ўқийман. Мени бир нарса хурсанд қилади. Шу жанглр тўғрисида гап кетганда, ҳеч қимнинг чекрасида иккиланмай, қўрқув, хавотир сезилмайди. Иккимиздан, Сурхон тоғларида ўз хизмат бурчини баҳарга туриб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган тендошларимнинг оналари ҳам ўзларини йўқотмайдилар. Улар жигар-бандларининг қони муқаддас эканлигини англаб етдилар.

Мен, бунчи «ойнаи жаҳон» орқали, уларнинг қўз-қўларидан пайқайдим. Уларда фаҳр бор эди, гўрур бор эди. Қаранг, муқтақил бўлганимизга бор йўғи тўққиз йил тўлмоқда. Аммо мана шу қисқа вақт ичинда халқимизнинг, оналаримизнинг юрагига юртпарварлик туғуси шаклланиб улгурди. Улар бу оламда Ўзбекистон деган юрт яқаси ягона эканлигини, бу Ватанин керак бўлганда жон билин, қон билан ҳимоя қилиш шараф эканлигини юрак-юракдан англаб етдилар.

Шу ўринда жангариларнинг ортда турган ватанфурӯш муртадлар — Тоҳир Йўлдош ва Жума Намангоний ҳақида икки оғиз сўз. Бугун бу қўзғунлар, чаёнлардан ҳамма юз ўғирди. Ўз номига гулдай гузал юрт — Наманганнинг номини қўшиб айтгангайлигидан ҳамма ҳазар қилляпти. Уларнинг мақсадли иш ҳам башарларни қаби, қорларни қаби жарқанч ва ифлосдир. Бундайлар бир тўда бўладими, ўн тўда бўладими, биз юртимизни бериб қўймаймиз. Ахир, қайси юрт ўғроғини, бог-роғларини, ўз фарзандларини, имонсизларга оёқ ости қилдириб қўйишга рози бўлади.

Шу далада туш пайтлари ҳам шу хусусда тез-тез гап-

Муносабат

Сурхондарё вилоятининг Сариев тумани, шунингдек, қўшни Қирғизистон Республикасининг Боткен вилояти тоғли худудларига бостириб кириб, тинчликимизга раҳна солишга уринаётган босқинчи тўдаларнинг ниёти ҳам, қилишлари ҳам ўзлари қаби жарқанчдир. Мен оддий ўзбек эиелиси сифатида уларнинг ноғўя хатти-ҳаракатларини қаттиқ қоралайман.

Муқтақил юртимизнинг бугунги шон-шавкати, тинчлиги, оёқ-йишталлиғи кўра олмайман, қўлга киритаётган ютқуларимизга ҳасад билан боқатган Жума Намангоний, Тоҳир Йўлдош қаби қимсаларга бутун халқ лалағи қўйяпти. Ундайларнинг жазоси ўлим. Ишончим қомилки, мард йигитларимиз душманнинг дилини беришди. Ғаламислар жасур ўғлонларимиз ўқига учиб, дараларда қўзғунларга еб бўлишди. Бунга шак-шўба йўқ. Аммо эндигина ҳаётга кириб келаётган аскар йигитларимизнинг умрига зомин бўлганликлари ҳаммамизни газабга солмоқда, нафратимизни оширмоқда.

Яқинда бир гуруҳ ўқитувчилар узаро масалада гаплашиб, «Яқдил қарорга келди. Бошқа чекмак ўзв йилнинг биринчи сабоғини тинчлик сабоғи деб атайдиган бўлди. Унда ўқувчиларга муқтақиллик ва оғолик, Истиклолнинг қадриятини батафсил тушунтириб берамиз. Айни ҳолда, рўй берган муҳтож воқеа сабабларининг кирдиқорларини оғиб ташлаймиз. Шундай қилайликки, токи фарзандларимиз муқтақилликни ганимлар қимлар эканлигини яқши билиб олишсин.

Фариса ФАРМОНОВА,
Зангиота туманидаги
21-мактаб
ўқитувчиси.

лашамиз. «Агар лозим бўлса, чегарага борадими?» деган саволга шу пайтгача бирорта тендошшим иккиланиб жавоб бермаган. Мен ҳам зарурат туғилса, малаўнлар билан жангга киришга тайёрман. Бу шунчаки баландлар-воз гаплар эмас. Муқтақиллик бизнинг юрагимизга юрта, она заминга туганмас ишқ, адоғи йўқ фидойиллик туғиларини инъом этган. Бас, шундай экан, бир нарса алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистонимизга қўз олайтирган қимсалар албатта ил ўлимни топадилар. Бу Ватанда уларга на ўрин, на қабристон бор. Шафқат ҳам йўқ!

Эркин ЖўРАЕВ,
Бобўш туманидаги
«Тараққиёт»
ширкат уюшмаси сўчиғиси.

Бундан икки йил муқаддам, 1998 йил ёзининг сўнги ойда Хоразм вилояти кишлоқ хўжалиги ходимлари томонидан тайёрланган баландларвоз ҳисоб-китоблар юрмончўлар ўзани оқламади. Кўпчилигининг пешонасидан ачик тер чиқди.

Маълум бўлишича, 60 миң гектардан зиёд майдондаги ҳосилга кирган гўза, шунингдек, бошқа экинлар ҳам зарарли хашаротлар: қўсақ қурти, қарадринга, кузги тумлам, беда тунамаи сингари кушандаларнинг «исканжаси»да қолган эди. Уша пайтда янгирақлик бир кекса пахтакорнинг отиз бошида чинакамига йиғлаб тургани ҳали-ҳануз эсимда. «Гофил қолибмиз», — деганди у айбни ўз бўйинга олиб. Кейин эса хўрсиниш ила шундай хитоб қилганди: — Бу офат қаердан келди ўзи?! Наҳотки, унинг олдини олишнинг ипожи йўқ эди?»

Дарҳақиқат, экинлар офати — хашаротларнинг пайдо бўлиши тасодуфий ҳол эмасди. Йиллар давомида тупланган муаммолар ўз вақтида аниқланиб, ечим толмаганлиги бунга сабаб бўлган эди. Аниқроғи, вилоятда зарарли хашаротларга қарши кураш сўсийиб кетганлиги натижада хашаротларнинг тарқалиши вилоятда захарли қимбўйи воситалардан фойдаланиш йилига 8000 тоннадан ҳам ошиб кетган эди. Оқибатда экологик вазият ёмонлашганлиги-

Мавсум сабоғи

лоят ва туман миқёсида аттестациялардан ўтказилди.

Дала кузатувчилари штатлар жорий этилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Уларнинг жонқурлиги туғайли экинларнинг аҳоли, зарарқунандлар хавфидан ҳар қуни

га муқофот тариқасида 4 та енгил автоматсина, 12 та телевизор ва 14 та гилам берилди. Кишлоқ хўжалиги масалаларига бағишланган катта йиғилишларда ушбу соҳа жонқурларининг номлари алоҳида тилга олинди.

Шу ўринда биологик усулнинг яна бир муҳим жиҳатига тўхталиб ўтиш жоиз. Агар бир гектар экин майдони атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатадиган захарли дорилар билан ишланган тақдирда, 15 миң сўм харажатни тақозо этади. Худди шу иш экологик беэар биологик усулда амалга оширилса, харажат атиги 2 миң сўм атрофида бўлади. Шу сабабли, ўтган йили вилоят хўжалиқларида 400 миллион сўм иқтисод қилинди.

Бу йил биологик усуллар билан биологик усуллар билан биологик усул марказига эга бўлмаган жамоа ҳамда ширкат хўжалиқлари қолмади ҳисоб.

Этиборини, кечаги биологик усуллардан ҳозирги яна ачир қилади. Уларнинг кўпчилигида фойдали

хашаротлар ишлаб чиқариш тизими йўлга қўйилган. Масалан, Хонқа туманидаги Оқун-бобоев номли ширкат хўжалигининг биологик усулларидан иккита линия узлуксиз фаолият кўрсатмоқда. Уларда нафақат бир хўжаликка, балки бир неча хўжаликка етгулли биомаҳсулотлар тайёрлаш мумкин.

Арпа — биологик усуллар учун муҳим ҳомаёш. Шу боис унинг ҳосилини кўпайтириш диққат марказида турибди. Ўтган йили биологик усуллар билан арпа етиштирилган 236 тонна арпа етиштирилган эди. Бу йил ушбу кўрсаткич 260 тоннадан ортди.

Ез мавсумида зарарқунанд хашаротларнинг кўпайиши хавфи ҳам ортиб боради. Бунчи ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар марказлари, биологик усулларни қўллашчи хўжалиқларнинг ҳодимлари, бошқа махсус раҳбар мутахассислар чўшур англаб туришибди. Шу сабабли ҳам, улар Хоразмининг катта ҳосил хирмонлари беталафот тикланиши йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

Яқинда Богот туманидаги И. Дўстов номли ширкат хўжалиғида экинлари хашаротлардан, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган республика семинари-кенгаши бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари вилоятда бу борада олиб борилаётган эътиборга моллик ишлар билан танишдилар, жойлардаги илғор тажриба ва иш усулларини маълумлашди, мавжуд муаммо ва камчиликларга барҳам бериш юзасидан тақлиф-тасвирларини қизиқиш билан эшитдилар.

Сотим АВАЗ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОЛЧОҚЛАР ЖАЗОСИНИ ОЛАЖАК

Яқинда мен юзлаб сайловчиларим билан учрашдим. Уларнинг барчаси юртимиз тинчлигини бузишга, осийишта ҳаётимизга оғу қўшишга уринган терроичиларни бир овоздан лангачлаштирилди. Чет элдаги хўжайинларга сотилган ялоқўрлар Ўзбекистонни наркотиклар, қурол аслаҳалар олиб ўтиладиган йўлакка айлантиришдек қабих ниётларни яширишга қанча уриммасинлар, уларнинг башараси аниқ-равшан қўриниб турибди.

Сайловчилар яна бир нарса алоҳида эслабди ўтдилар. Мамлакатимиз Президентини Ислоҳ Каримов истиклолнинг дастлабки кўнариданок юртимиз хавфсизлигига тақдир солидиган хатарлардан бири халқро террорчилик эканлигини қайта-қайта таъкидлагани бежиз эмас экан. Юртобимиз бу масалада ҳам узоқни қўрагани учун ҳаммадан хўшроққа даъват этган экан. Қуни кеча Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг учрашувида ҳам Президентимиз аниқ ва конструктив тақлифлари ўртага ташлади.

Юртимиз тинчлигига тақдир солишга уринаётган қўра қўлар эл-юртининг қаҳри-ғазабига йўлиқадди. Бу шубҳасиз. Айни пайтда биз ҳам ҳушёр ва оғоқ бўлишимиз керак. Халқимиз иродаси шу.

Нуриддин ЗАЙНIEВ,
Муборак нефт ва газ қонлар
бошқармаси бошлиғи,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси депутаты.

АХБОРОТ

Ваколатли органларнинг маълумотларига қўра, сўнги хафта мобайнида Ўзбекистон худудига Тожикист

(Давоми. Боши 1-бетда).

Истиқлолга эришилган, ҳуқуқ-маърифат мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодийнинг асосий «қон томир»ларидан бўлмиш ушбу йўлни таъмирлаб кенгайтириш, жаҳон андозлари даражасида тиклаб-созлаш масаласига жиддий эътибор қаратди. 1994 йилдан эътиборан ушбу ҳудудда лойиҳалаш-созлаш ишлари бошлаб юборилди. Кейинроқ республика Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори қабул қилинди. Расман «Тошкент-Уш» автомобил йўли деб қўйилган мазкур йўналишни Камчик ва Резак доволари теграсида туннеллар қурган ҳолда қайтадан барпо этиш устувор вазифалардан барпо этиш сифатида белгиланди. Режага биноан, саксон километрлик масофада жами 18 миллион 821 минг куб метрлик тупроқ ишлари баҳарлиши, 300 га яқин сунъий иншоотлар яратилиши лозимлиги кўрсатилди.

Бу вазифа ҳозирги «Узавтйўл» давлат хиссадорлик концерни зим-



ҚАДИМ ЙЎЛЛАРДАГИ ЖАСОРАТ

масига юқлатилди. Қурилишда даст-лаб Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг автомобил йўллари бирлашмадан катнашди-лар. 1998 йили келгуси ишлар қила-ми нихоятда катталиги ҳисобга оли-ниб, концерн қошида Буюк Йпақ йўлининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтайдиган қисмини лойи-ҳалаш, қуриш ва қайта қуриш Бош бошқармаси тўзилди. Унга 37 йил давомда йирик иншоотлар қури-лишида меҳнат қилиб, бой тажриба ва малака орттирган мутахассис Яш-нар Муҳиддинов раҳбар этиб тайин-ланди. Мухтасар қилиб айтганда, до-вон йўли қурилиши умумхалқ ишига айланди.

Бас, шундай экан, энди ўз-ўзи-дан ҳақли савол туғилади: янги йўл эскисидан нимаси билан фарқ қила-ди? Аввалгисига нисбатан қандай қўлайлик ва афзалликларга эга бўла-ди?

Марҳамат, тингланг! У, аввало, те-кис-равонлиги, кенг-қўрқамлиги, ҳаракат хавфсизлигининг узлуксиз таъминланганлиги, транспорт ўтқа-зиш қобилиятининг юқорилиги, тех-ник-иқтисодий жиҳатдан тежамкор-лигига қўра ажралиб туради. Айтил-лик, илгари йўлнинг эни, нари бор-са, 15 метрдан ошмасди. Боз усти-га, тоққа ўта жипс қурилганди. Хар-

Муस्ताқиллик иншоотлари

ер-хар ерда ёнбошдан бўртиб чи-ққан қоятошлар, гўёки қулак тушди-гандек, ораққа қўқу соларди. Ёгин-гарчилик ва эрувгарчилик чоллари йўлни сел босарди. Авж қархон-да қалин қор қоплаб, муз қотарди. Оқибатда доволни ёпишга, қатъовни маълум муддат таққиллашга тўғри ке-ларди.

Эндилкида-чи? Бу янгилик беўхшов манзара-ҳолатларга тўбдан барҳам берилди. Хавфли ўрқачлар бурғулаш ва портлатиш орқали қулатилди. Тошлари сой томон суриб, текис-ланди. Қор-ёмир сувларининг сунъий ўзланарга тўланиши ҳамда пас-тиққа оқиб кетишига мўлжалланган қувурлар ётқизилди. Чеккаларига кета-кетгунча темир-бетон тўсиқлар ўрнатилди. Айланма йўллар, янги кўприклар солинди, қисқартирилди.

Бу ўзгаришлардан сўн доволда автомобиллар қишин-ёзин бир ма-ромда бемалол ҳаракатланади. Хай-довчи ҳаво очик пайтлари 300-400 метр масофани эркин кура олади. Ёнилин-мойланиш материалларининг сарфи камаяди. Шиналар ва эҳтиёт қисмлар меъёридан ортик ейилмай-ди. Мухими, қимматли вақт тежал-ди. Довонни ошиб ўтиш бирчунча тезлашди. Йўл барча кўрсаткичла-ри бўйича жаҳон андозларига мос тушади. Жамоат транспорти қатно-

лар асорати ҳам бундан қолишмай-ди.

Йўлсозлар масаланинг бу жиҳат-ларини асло унутганлари йўқ. Фав-қулдда вазиятларда ноҳушликнинг олдини олиш чораларини кўрмоқ-далар. Тоғ ён-бағирларига қўчилар залворини кесувчи «муҳофаза бел-боғлари» тортмоқдалар. Йўл ёқаси бўйлаб эни 8 метрлик майдончалар қуриб, тош дорлар таскимоқдалар. Қия жойларда эгасига бўйсун-май қўйган машинани талофатсиз тўқтатишга мўлжалланган қўшимча йўлқлар яратмоқдалар. Улар мута-хассислар тилида «Қопқон» деб ата-лади. Юзасига қум тўшалари. Қал-тиб дамларда хайдовчи рулни ўша томонга бурса, бас, ўз огирлиги бил-лан қўйилганга ўқдек шўғиб бораёт-ган машина қумлоққа ўтириб қола-ди. Хавф-хатар ортага чекинади.

Чамамда, мана шу мисол-далил-ларнинг ўзбек йўлининг яқин кела-жалани тасаввур этиш учун етарли. Улар доволда ҳаёт қайнаётганидан, тахсинга сазовор бўнадорлик иш-лари тобора авж олаётганидан да-ллат беради. Лекин булар ҳали ҳаммаси эмас...
Абдуноби ҲАЙДАРОВ,
«Жалқ сўзи» мухбири.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Биринчи даражали

MAKSIMA МЕБЕЛЬ САЛОНИ

Бевосита Италия туркум мебеллар тўлаими.

Каталоглар асосида буюртмалар қабул қилинади.

Этиб бериш ва йиғиш — бевулу.

Манзил: Фурқат кўчаси, 5.

МАКСИМА мебел дўкони.

Тел. (371) 144-27-15.

Халқлар аўстани. шк.

«Мебель»

«Мебель»

«Мебель»

МОСКВА

Ҳафтада 3 марта

Душанба, чоршанба ва жума кунлари

Боинг-737 да тўғридан-тўғри парвозлар.

Ўзбекистон фуқаролари учун - \$400 дан (у еққа ва орқата)

Франкфурт, Лондон, Пафос, Одесса ва Киевга қўлай транзит; Фаслининг янгилади - Санкт-Петербург, Минск, Шимол ва Жанубий Американинг шаҳарлари. Чипталар сўм ва АКШ долларига сотилади.

Ақборот олиш, чипта ва юқларни Тошкентда бронлаш: «ТРАНСАЭРО» вазелатсиони, Халқлар Аўстани шк. 5а, тел.: (988 711) 33-9955, 133-7838, www.transaero.ru



БАНК СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР КЎМАКЧИСИ

«Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами» нашрдан чиқди

Бугунги кунга келиб, банк тизимининг тўла-қонли амал қилиши учун етарли қонунчилик асоси вужудга келтирилган бўлиб, эндиликдаги вазифа мазкур қонунчи-ликни янада тақомиллаштириш асосида банк тизимини ислоҳ қилиш ва банклар фаолиятини янада эркинлаштиришдан иборатдир. Бу вазифа эса Президентнинг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони-да ўз аксини топган.

Мамлакат кенг жамо-атчилигини, банк тизими мутахассисларини, иқтисодчи олимлар, олий ва ўрта махсус ўқув юр-тлари талабаларини мазкур қонунчилик билан таништириш

ҳамда уларга қўлайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Банклар ассоциация-си билан биргаликда «Ўзбекистон банк тизими ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами»ни тайёрлаб, ўзбек ва рус тилларида, 5000 нусхадан наشر этди. Тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонунлари келтирилган. Мазкур қонунлар банк раҳбарлари ва ходимларига банкларнинг мақсад ва вазифаларини, миқозлар олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини эълатиб турса, банк мижозлари ва бошқа фойдаланувчиларни эса

ўзларининг банклар олдидаги ҳуқуқ ва мажбу-риятларини билиб олиш-ларига ёрдам беради. Иккинчи бўлимига киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни ривож-лантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони орқали янги очилаётган ва фаолият кўрсатаётган хусусий банкларга берил-ган имтиёзлардан хабар-дор бўлиш мумкин. Шунингдек, тўпламда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 Октябрдаги «Акциядор-лик тижорат банклари фаолиятини тақомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизи-мини янада эркинлашти-риш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбир-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

(Вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларини умумий мажбурий тўсовди меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатида ўтказиш ҳолати тўғрисида 2000 йил 7 августдан 12 августга бўлган маълумоти)

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**
 - Валютали банкларда экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга қўйиш ва уларнинг баҳарлиги устидан назорат қилиш тартиби тўғрисида низоом. УЭР Марказий банки томонидан тасдиқланган ва Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.
 - 2000 йил 9 августда 954-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 19 августдан қўлга киритилди).
 - Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомига 1-сонли ўзгариш. УЭР Марказий банки томонидан тасдиқланган.
 - 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 20 августдан қўлга киритилди).
 - Очик валюта мавқени олиб бериш қоидаларига 1-сонли ўзгариш. УЭР Марказий банки томонидан тасдиқланган.
 - 2000 йил 11 августда 466-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 21 августдан қўлга киритилди).
 - Тижорат банклари томонидан ўз фаолиятини қоридик шахс ташкил этишдан амалга оширишнинг эҳка тартибдаги тадбирқор-ларга ва теҳмон ҳўжаллиқларига миллий ва хорижий валютлада микро-кредитлар бериш тартибига 1-сонли ўзгаришлар. УЭР Марказий банки томонидан тасдиқланган.
 - 2000 йил 11 августда 902-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 21 августдан қўлга киритилди).
 - Тижорат банклари томонидан фермер ҳўжаллиқларига, ўз фао-лиятини қоридик шахс ташкил этиб амалга оширишнинг кичик биз-несининг бошқа субъектларига миллий ва хорижий валютлада микро-кредитлар бериш тартибига 1-сонли ўзгаришлар. УЭР Марказий банки томонидан тасдиқланган.
 - 2000 йил 11 августда 903-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди (2000 йил 21 августдан қўлга киритилди).
- II. Давлат рўйхатидан чиқарилди:**
 - Экспорт ва бартер контрактларини ҳисобга олиш ҳамда улар-нинг қирқатиш тартиби тўғрисида. УЭР Марказий банки томо-нидан тасдиқланган.
 - 2000 йил 19 августдан чиқарилди (1998 йил 3 Август-да 465-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).
 - Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гуруҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомига 1-сонли ўзгариш. УЭР Марказий банки томонидан тасдиқланган ва Молия вазирлиги билан келишилган.
 - 2000 йил 20 августдан чиқарилди (1998 йил 23 октяб-рда 512-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).
 - Мазкур меъёрий ҳужжатлар янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотди.
- III. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилди:**
 - Хўқуқат қаролати остида давлат маблаглари ва кредитлари ҳисобидан объектлар барпо этишда қурилиш хатарини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тўловларини тўлаш тартиби тўғриси-да қўшимча. УЭР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.
 - Давлат-акциядорлик машина-трактор парсининг Намунавий устави. УЭР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.
 - Ўзбекистон Республикаси ҳудудига филолантириувчи модда-ларни табиий муҳитга чиқарилганлик учун (ташлагичлик) ва чиқарил-ларини жойлаштирилганлик учун тўловларни ҳисобга чиқариш ва тўлаш тартибига 1-сонли ўзгариш ва қўшимчалар. УЭР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.
 - Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазир-лигида ҳўжалик қирувчи субъектлар томонидан тузилгандаги бар-тер контрактлари (шартномалар, битимларини) рўйхатга олиш тарти-би тўғрисида низоом. УЭР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги то-монидан тасдиқланган.
 - Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазир-лигида ҳўжалик қирувчи субъектлар томонидан тузилгандаги экс-порт-импорт контрактлари (шартномалар, битимларини) рўйхатга олиш тартиби тўғрисида низоом. УЭР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги то-монидан тасдиқланган.
 - Банкларнинг рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартиби тўғри-сида низоом. УЭР Марказий банки томонидан тасдиқланган.
 - «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг станцияси қошидаги подвезга йўлдан фойдаланиш бўйича шартнома. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси томонидан тасдиқланган.
 - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмо-ний шахслар - резидентларга нақд чет эл валютасини республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рўқсатномалар бериш тартиби тўғрисида низоом. УЭР Марказий банки томонидан тасдиқланган.
 - Тижорат банкларига чет эл валютасида операцияларни ўтқа-зиш учун лицензиялар бериш қоидаларига 1-сонли ўзгариш ва қўшимчалар. УЭР Марказий банки томонидан тасдиқланган.
 - Чекларнинг тартиб-тартиби асосида таъинлаш шакли йўлловлар таъини баҳарли билан банд бўлган ташувчиларни молиялаш тўғрисида низоом. УЭР Молия вазирлиги томонидан тақ-дидан тасдиқланган.
 - Импор божхона тўловларини ҳисоблаш ва ундирш тарти-бига 1-сонли ўзгариш ва қўшимчалар. УЭР Давлат божхона қўми-таси томонидан тасдиқланган.
 - Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эл эмитентларининг қўшимча қозғоғларига рўқсат бериш, рўйхатга олиш ва ҳўлашти-риш тартиби тўғрисидаги низоомга 1-сонли ўзгариш ва қўшимча-лар. УЭР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғоғлар бо-зори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази то-монидан тасдиқланган.
 - Депозитар фаолият тўғрисидаги ва тўғрисидаги депозитар-рийнинг фаолият тартибига 1-сонли ўзгариш ва қўшимчалар. УЭР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғоғлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томо-нидан тасдиқланган.
 - Юридик шахсларга валюта айирбошлов операцияларини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартибига 1-сонли ўзга-ртириш ва қўшимчалар. УЭР Марказий банки томонидан тасдиқ этил-ган.
- Тасдиқланган ҳужжатларда амалдаги қонунчиликка зид қондалар мавжуд ёки улар меъёрий ҳужжатларга қўйил-ган талабларга жавоб берадими. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган меъёрий ҳужжатлар Адлия вазирлигининг хўлоса-лари ҳисобга олинган ҳолда қайта чиқарилган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақоран тақдид этилиши мумкин.**

М. САҒАРОВ,
«Жалқ сўзи» мухбири.

Айни муддао

Истиқлолдан бошлан-ган миллий тил ислоҳоти-да унинг энг тўғри, энг оқилона, келажак пор-лок ёзув шаклини топиш ва барқарорлаштириш ҳам асосий масалалар-дан бирига айланди. Маълумки, шўро йилла-рида халқимизнинг хат-саводи бир неча марта ўзгаришларни бошдан кечирди. 1940 йилда кирилл имлоси жорий этилди. «Ягона совет хал-қини вужудга келтириш мақсадида қаратилган бу ёзув шакли ўзбек тилига мажбуран сингдирилган бўлиб, тилимизнинг та-лаффузи имкониятларини, ўзига хос фонемалари бойлигини инобатга ол-май келди. Тилимиз та-биятига мос ёзув шакли-га эришиш миллий ри-вожланишда ҳамма энг зарур вазифалардан бўлиб қолаётган эди. Шу мақсадда 1993 йилнинг 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Ке-нгашининг XIII сессияси-да лотин ёзувига асос-ланган ўзбек алифбоси миллий ёзув тарзида қабул қилинди. Кейинча-лик Ўзбекистон Респу-бликаси Вазирлар Маҳ-камаси ҳузурида тузилган Тил комиссияси тарки-бида шўро алифбо асо-сида имло қоидаларини яратиш гуруҳи иш бо-шлади.

1995 йилнинг 24 авгу-стида Вазирлар Маҳка-масининг 339-сонли қарори билан «Ўзбек ти-

лингиз асосий имло қоидалари» тасдиқланди. Шундай қилиб, таркибий миқдор жами 30 товуш-нинг ифода қилинган 26 харф ва 3 та харф бирик-масидан — ш (sh), ч (ch), ҳ (ng) ҳамда апостроф (гўтуқ белгиси)дан иборат янги алифбога босқичма-босқич ўтилмоқда. Мак-табларнинг доттидаги лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида на-шр этила бошланди, дарслар янги имлода ўтилмоқда. Оммавий ақборот восита-ларида янги имло кўртак-лари кўрина бошлади. Атоқли ўзбек тилшунос олимлари Шавкат Раҳма-туллаев, Азим Хўжияевлар эса «Ўзбек тилининг имло лугати» китобини тайёр-лаб, 1995 йилда нашрдан чиқардилар.

Табиийки, ҳеч бир ян-гиликнинг ҳаётида ўзига йўл топиши осонлик билан кечмаган. Жумладан, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси атрофида ҳам ўз даврида қизгин баҳслар бўлди ва ҳозир ҳам ушбу баҳслар гоҳи-гоҳида бўлиб турибди. Ле-кин лотин ёзувига асо-сланган ўзбек алифбосига ўтишининг жиддий афзал-лиқлари борлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Аввало, лотин имлоси халқимизнинг бир неча авлодларига та-ниш. 30-40 йиллар ўр-тасида бутун мамлакатимиз-да шундай имло амал қил-ган эди. Китоблар, матбу-

от шў имлода чоп этил-ган. У халқимизнинг кекса авлодига анча яқин та-ниш. Лотин имлоси тили-мизнинг табиғати ҳам анча мос. Кирилл ёзувида мавжуд айрим чекланиш-лар ҳозирги кунда мана шу имлога ўтганимиздан кейин ўртадан олиб таш-ланди. Тилшунос мутахас-сислар томонидан тили-мизнинг табиғати лотин ёзувнинг мутаносиблиги-ни янада муқамаллашти-риш йўлида ишлар олиб борилади.

Коллаверса, лотин ёзу-виге асосланган ўзбек алифбосига ўтишни тарақ-қиётнинг ўзи ҳам бир неча мўлим жиҳатларга қўра та-қоз эгатади. Оқдий далил: бемор шифкор олдига бориб, доринома ёздириб олди дейлик. Аммо лотин имлосидан бехабар киши қўлидаги дориномада нима битилганлигини ўқий ол-мас, бу ўзига хос қийинчиликларни келти-риб чиқариши ҳеч гап эмас. Энди масаланинг жиддий томонига келсак, ер юзининг деярли 30-35 фоиз аҳолиси лотин ёзу-видан фойдаланади. Икки-учта давлатдан ташқари бутун Европа, Америка, Австралия, деярли бутун Африка, Осиёда эса Тур-кия, Индонезия мамлакат-лари лотин ёзувида иш юритади. Болтиқбўйи рес-публикалари — Латвия, Литва, Эстония азалдан лотин имлосига амал

қилиб келмоқда. Илмий ақоротларнинг деярли 70 фоизи инглиз тилида ўз ифодасини топган. Бу тил эса лотин ёзувига асосланган. Бу ёзув ор-қали компьютерлар бил-лан ишлаш ҳам осон.

Хуллас, лотин ёзувиге ўтиш халқимизни, айни-қас, унинг янги авлодла-рининг халқаро дунёга ҳаммафаслгини осон-лаштиради.

Лотин ёзувиге асо-сланган ўзбек алифбоси-га ўтиш тўғрисидаги Қо-нун 2005 йилга бориб ту-либ баҳарлиши лозим. Олдинда эса иш кўп. Жумладан, шу дав-рда турли фанларга ва соҳаларга доир атамалар луғатларини яратишдек улкан вазифа турибди. Мўтвоз ва ҳозирги ўзбек адабиётининг, шунинг-дек жаҳон адабиётининг маънавий тарақийти учун зарур бўлган энг яқин асарларини ҳам янги им-лога ўтказиш билан бо-лиқ тайёрларлик ишла-рини қўриш вақти келди. Бу соҳада ишлар қан-чалик малакали, обдон ўйлаб, пухта режалашти-риб ташкил этилса, хал-қимизнинг саводхонли-гида ҳам узилишларга йўл қўйилмайди. Тили-мизнинг ривожига эса янги босқичларга кўтарилади.

КИЧИК ПОЛВОНЛАР ТАШАББУСИ Спорт

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридида кишлоқ жойларда спортни оммалаштириш, мунтазам шугулланиш учун шароитларни ташаббус қилиб қўйиш зарур. Иккидори ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қaratилган.

Хўш, мазкур қарорнинг ижроси қандай? Ушбу саволга Хоразм вилояти Янгиарқ тумани мисолида жавоб изладик.

Шухрат Жуманиёзов билан ўтган йили кураш бўйича I жаҳон чемпионати ўтказилган кунларда танишган эдик. Аммо унинг айрим спорт турларини ривожлантириш хусусидаги фикрлари, тахлилларидан келиб чиқиб, пойтахтдаги Давлат жисмоний тарбия институтида ишласа керак, деб ўйлагандим. Энди эса... у билан Янгиарқ туман ҳокимлигида кўришдик. Қисқача сўз билан айтганда сўнг мақсадга кўчидим.

— Юртинг бўлмаса, — йўл бошлади Шухрат ака. — Хаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Каландар полвон номидаги болалар ва ўсмирлар спорт

мактабда 860 нафар ўқувчи-ёшлар 53 гуруҳга бўлинган ҳолда ўзбек кураши, турон, дзю-до, қўл түпи (қизлар) билан мунтазам шугулланишар экан. Спорт мактабининг 19 нафар битирувчиси республика чемпионатларидаги муваффақияти учун олий ўқув юртига қабул қилинибди.

— Директор бирор жойга кетганми? — дея сўрадим Шухрат акадан.

— Олдингизда турган унинг ўринбосарими бўлмаса, — ҳазиломуз жилмайдим у.

— Ие, шунақами? Халқаро майдонда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган шогирдлар ҳам тайёрлагандирсиз?

— Бўлмасамчи. Мана, яқинда Жасурбек Жуманов самбо бўйича Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритиб қайтди.

— Эшитишимча, бир гуруҳ ўқувчиларингиз Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) фахрий Президенти, Юрғошимиз Ислам Каримовга мактуб йўллаб, жавонмардлик ҳаракатини тиклаш, шу йўналишда кураш бўйича халқаро мусобақалар ўтказиш ташаббуси билан чиққан эканлар.

— Энди шунга айтимоқчи бўлиб тургандим. Мутаносиб-

ликни қарангки, ушбу ҳаракатнинг Хоразмдаги намояндаларидан бири Каландар полвон — Бола полвон хотирасига бағишлаб ташкил этган халқаро турниримиз очилиши арафасида юқоридаги мактубга жавоб олдик. Ёшларимиз ташаббуси қўллаб-қувватлангани, 2001 йилдан бу ҳаракатни тиклашга киришилиши таъкидланган эди унда. Хуллас, байрамимиз қишлоқ бўлди.

Вилоят курашнинг қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Янгиарқ туман ҳокимлиги мазкур халқаро турнирни ўтказишда яқиндан ёрдам кўрсатишди. Мусобақанинг мулқат қилиб сўйим мол ютди, қўлган совринли ўринлар эгалари эса кимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

— Янгиарқликларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ютуқлари нафақат вилоятимизда, балки республикада ҳам яхши маълум, — дейди таниқли полвон Б. Бекзонов. — Тумандан қўллаб-қувватлашнинг етишиб чиқатгани эса аввало шароит яратилганидан деб биламан. Ишонмасангиз, мана шу Каландар полвон номидаги спорт мактабининг ўқув базасини бир кўринг. Хар қим ҳавас қилса эрийдим.

О. РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Умид юлдузлари Тошкент Халқаро қўл түпи олим шугулланиш маркази.

Кўргазма

Санъат — энг гўзал кўшиқ, мусика, энг жозибали рақс, мўъжизавий сурат... Голландиялик мўйкалам соҳибаси Анна Лора Куришчук асарларини томоша қилсангиз, ана шу тақдорланмас мўъжизанинг гўвоҳи бўласиз.

НОМСИЗ СУРАТЛАР

Бир қарашда оддий чизиклар жамланмасидан иборат ушбу асарлар сизга гаيري оддий туюлиши табиий. Бироқ, суратлардаги оқлик ва мовийлик уйғунлашган чизиклар гўё ҳаётингизнинг тақдорланмас лавҳаларини, фахрили лавҳаларини гавдалантиргандек бўлади ва яна Бухоро, Самарқанд меъморчилик санъатида ҳос ойдилликни эслатади.

Мусавирнинг Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида очилган «Номсиз» деб аталган расмлар жаммузаси ва ҳаётнинг бир бўлигини акс эттирувчи фотосуратлари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Менга Буюк Ипак йўлининг қадимий мадрасалари, макбаралари тарихий обидалари ихлом берди, — дейди Анна Лора. — Буни асарларимда нечоғли тасвирлай олдим, бу — сизнинг ҳукмингизга ҳовла.

М. ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

UZMAKOM

«ЎЗМАКОМ»

ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

БИЛАН МУБОРАҚБОД ЭТАДИ ВА ШУ АЙЁМНИНГ

9 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БЕПУЛ УЛАНИШ



ЎЗБЕКИСТОН ВА

ТОШКЕНТ БЎЙИЧА

ҚЎНҒИРОҚЛАР 100\$

ОЛДИНДАН ТЎЛОВ,

ХАЛҚАРО ҚЎНҒИРОҚЛАР

200\$ ОЛДИНДАН ТЎЛОВ,

СИМ КАРТА БАҲОСИ — 45\$ (НДС йўқ)

2000 ЙИЛ 29 ДАН 30 АВГУСТГАЧА

«ЎЗМАКОМ» ДОИМО ЎЗ МИЖОЗЛАРИ ҲАҚИДА ЎЙЛАЙДИ!

СИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА КУТАМИЗ:

ТОШКЕНТ Ш., ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ШК., 8.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ 100-00-15, 100-00-16, ФАК: 100-98-98, 120-63-78.

Меҳр-мурувват Кўнгишлар осмон қадар ўсди

Хали орамизда меҳрга ташна кўнгишлар бор экан, демак, савоблар дафтарининг биз тўлдиролмаган саҳифалари биёр оёқда, бири эса лаблариди, яна бири чап қўлида шундай маҳорат билан, иштиёқ билан ишлашардики... Уларнинг ишига, уларнинг матонатига лол қолмай иложингиз йўқ эди. Бу лаҳзаларни бутун дунё ахлига ибрат қилиб кўрсатишга арзигулик эди. Зеро, орамизда тўрт мучаси соғ, ақли расо бўлатуриб бирор фойдали ишга ярамайдиган, ҳатто згунлики орзу қилишни билмайдиганлар ҳам бор.

Болажонлар фестивалга республикамизнинг турли бурчакларидан, қўшни республикалардан бири ногиронлар аравачасида, бири онасининг қўлида, бири отасининг елкасида, бири қўлтиқтаёқда ташриф буюришган. Дунё, ҳаёт, Ватани қанчалик севишлари, фақат яшилликни орзу қилишлари

улар чизган расмларда ўз ифодасини топганди.

Анжуман давомида малакали мутахассислар томонидан бу ерга ташриф буюрган иштирокчилар тиббий кўриқдан ўтказилиб, улардан олтиниси ногиронлар аравачасига, биттаси эшитиш аппаратиغا муҳтожлиги аниқланди. Ташкилотчилар томонидан уларнинг бу эҳтиёжлари ҳам қондирилди.

Кеча сўнггида севимли хонандалар Отабек Мадрасидов, Озода Нурсаидова ҳамда «Файд», «Юлдузча» гуруҳларининг шўх куй-қўшиқларига рақсга тушган болажонларнинг кўнгишлари осмон қадар ўсди.

«Туркистон-пресс»

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ КУЗУРИДАГИ

МИНТАҚА ТИП УҚИТИШ МАРКАЗИ

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАЪЛИМ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ЎТҚИЗИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 2000 ЙИЛ 4 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Манзилгоҳ: Тошкент ш, Лоҳутий кўчаси, 25, 8-қavat, 802-хона.

ТЕЛ.: 136-30-69.

Миллий ва хорижий валютада депозит ҳисобварақларини очиш учун янги имкониятлар

Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг муҳтарам раҳбарлари!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

бошқа исталган банкда ҳисобварақларига эга бўлган юридик шахслар айна пайтда Ўзбекистон Миллий банкида талаб қилиб олгунча депозит ҳисоб варақларини ва бошқа ҳисобварақларни 2000 йил 1 июндан бошлаб очишлари мумкинлигини Сизга маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўзингизга жуда фойдали бўлган шартларда банк хизматларининг ниҳоятда хилма-хил турларини, юқори даражадаги хизматни Сизга таклиф этади, шунингдек Ўзбекистоннинг ҳамма вилоят марказларида, йирик шаҳарлари ва туманларида жойлашган Банкнинг исталган бўлим ва филиалларида барча турдаги валюта ва сўм ҳисобварақларини очиш имконини беради.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — пулларингиз сақланиши ва даромадлилиги гаровидир.

NBU

Қўшимча маълумотларни Сиз (998 71) 137-59-39 рақамли телефон орқали ёки «Ўзбекистон банк»нинг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.

Республика Радио-эшиттириш, радиоалоқа ва телевидение бирлашмаси жамоаси Тошкент РТУМи бошлиғи Босит Абидовга уқаси **Восит АБИДОВ**нинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти жамоаси Жаҳон тиллари ва алабети кафедраси мудири, доцент Шарифа Мирзаевага онаси **Фотимахон ЗОКИРОВА**нинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Электроника алоқа институти жамоаси кафедра мудири Хуршид Ҳошимовга онаси **Холидахон УБАЙДУЛЛАЕВА**нинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Кафолат» Давлат акциядорлик сурғурта компанияси дирекцияси Фарғона вилояти филиали директори **Ҳамдам ТЎХТАСИНОВ**нинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;

Ҳуқуқ — 136-07-94;

Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65

Маънавият ва маърифат — 136-35-60;

Хатлар — 136-29-89; 133-07-48;

Фан, соғлиқни сақлаш ва илмий масалалар — 132-12-08;

Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;

Халқаро ҳаёт — 132-11-15;

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета РЕНТИУМ-П компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — А. ОРИПОВ. Набатчи муҳаррир — М. САФАРОВ. Набатчи — У. ФАЙЗИЕВА. Мусоҳаҳ — Ш. МАНШАРБОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қогоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 23.15

1 2 3 4 5 6